

**БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ИНТЕГРИРЛАШГАН УСУЛДА
ОЛИБ БОРИШ**

ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш
Ташкилоти, Бола соғлиги ва
Ривожланиш бўлими (СНД).
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

ЮНИСЕФ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ -АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари
бош бошқармаси бошлиги
Дурама Исмаилов
2013 й. 19 апрел
№ 5 баённома



“КЕЛИШИЛДИ”

ЎзР ССВ Тиббий таълимини
ривожлантириш маркази
директори
М.Х. Алимова
2013 й. 19 апрел
№ 5 баённома




**Болалар касалликларини интегрirlашган усулда
олиб бориш**

Давони белгиланг

**Болалар касалликларини интегрirlашган усулда олиб бориш
бўйича
ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси
мутахассислари томонидан мослаштирилган**

ЎҚУВ КУРСИ

Тошкент 2013



Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998

Ушбу ҳужжат кенг омма учун чоп этишга мўлжалланмаган бўлиб, барча ҳуқуқлар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига тегишлидир. (ЖССТ). Ушбу ҳужжат ЖССТ-нинг олдиндан берилган ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман таржима этилиши, эркин ҳолда тўпламлар ва рефератлар учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу ҳужжатнинг бирорта қисми ҳам, ЖССТ-нинг олдиндан берилган рухсатисиз, маълумотлар базасида сақланиши, ёки барча-механик, электрон ёки бошқа йуллар билан узатилиши мумкин эмас.

«Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш» ўқув курси Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бола Соғлиги ва Ривожланиш Бўлими (СНД) ва ЮНИСЕФ томонидан АСТ International, Атланта, Жоржия, АҚШ, билан шартнома асосида тайёрланган.

Ушбу қўлланма, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш стратегияси бўйича миллий тренерлар т.ф.д. З.Е. Умарназарова, т.ф.д. И.М. Ахмедова, т.ф.н. Г.Б. Утепова томонидан матнлар асосида қайтадан ЖССТ охириги тавсиялари асосида янгиланди ва қайта чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти).

Ўқув курси бирламчи бўғин тизими, болалар тиббиёт муассасалари, шунингдек тиббиёт олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув дастурларига киритиш учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Э.А. Шомансурова, т.ф.д., ТошПТИнинг амбулатория тиббиёти кафедраси мудири

К.Ш. Салихова, т.ф.н. ЎЗРССВ РИПИАТ Маркази илмий-ишлар бўйича директор муовини

Ўқув курси ЎЗР ССВ РИПИАТ Марказида 2013 йил 14 мартдаги Илмий Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди, 3-мажлис баённомаси.

Илмий котиба т.ф.н.



Д.С. Арипова

МУҚАДДИМА	5
1.0. БОЛАНИ ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА ЗАРУРИЯТ БОРМИ, АНИҚЛАНГ	8
МАШҚ А	13
2.0. ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА МУҲТОЖ БЎЛМАГАН БЕМОРЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН ДАВОНИ АНИҚЛАНГ	15
МАШҚ Б	20
МАШҚ В	28
3.0. КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН ОЛДИН ЗУДЛИК БИЛАН ҚИЛИНАДИГАН ЗАРУР ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ	30
МАШҚ Г	32
4.0. БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН АВВАЛ УНГА ЗУДЛИК БИЛАН ҚИЛИНАДИГАН ДАВОНИ БАЖАРИНГ	38
5.0. БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИНГ	38
МАШҚ Д	41
МАШҚ Е	46

ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ

МУҚАДДИМА

Бундан олдинги модулда Сиз 2 ойликдан 5 ёшгача бўлган боланинг ахволига баҳо бериш ва ундаги касаллик ёки касалликларни таснифлашни билиб олган эдингиз. Ишнинг эндиги босқичи зарур давони аниқлаб олиб, белгилашдир. Анча оғир касаллик билан оғриган бола баъзи ҳолларда даволаниш учун касалхонага юборишга муҳтож бўлади. Ана шундай ҳолларда уни касалхонага юборишдан олдин Сиз шошилишч давони бошлашингиз керак бўлади.

ЎҚИТИШДАН МАҚСАД

Ушбу модулда қуйида келтирилган кўникмалар тасвирлаб ўтилади ва улардан амалда фойдаланиш учун машқ қилиб кўришга имкон берилади:

- болани зудлик билан касалхонага юбориш тўғрисида қарор қилиш;
- зарур давони белгилаб олиш;
- зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож беморлар учун:
 - касалхонага юборишдан олдин қилинадиган шошилишч давони аниқлаб, белгилаб олиш;
 - болани касалхонага юбориш зарурлигини онасига тушунтириш;
 - йўлланма тузиш.

Ушбу модулда **зарур давони аниқлаб, белгилаб олишга** асосий эътибор берилади. Танланган давони қай тариқа олиб бориш кераклигини *Болани Даволанг* деб аталган кейинги модулдан билиб оласиз.


Қуйида келтирилган диаграммада болага давони белгилаш босқичлари кўрсатилган.

- Болани баҳолаб бўлгандан сўнг, ўзингизга беришингиз зарур бўлган биринчи саволингиз - бу:

"Бу болани касалхонага зудлик билан юбориш керакми?"

ВА

"Касалхонага кетишдан олдин қандай даво ўтказиш зарур?"



- Болага қандай даво кераклиги ҳақида қарор қабул қилиш учун буклетнинг *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасининг ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ устунчасидан фойдаланинг.
- 1. Агар болада фақат битта тасниф бўлса, шу бола хусусида нималар қилиш кераклигини аниқлаб олиш анча осон бўлади. Бироқ кўпгина беморларда биттадан ортиқ тасниф бўлиши мумкин.
- 2. Агар болада бир нечта тасниф бўлса, бу болага зарур давони белгилаш учун Сиз барча таснифларнинг *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемаларига мурожаат қилинг. Рангли қаторлар Сизга тезда давони танлашда ёрдамлашади.
- **Пушти қатор** таснифи бола шошилишч касалхонага юборишга ва жиддий эътиборга муҳтожлигини кўрсатади. Бу оғир таснифдир.

- **Сарик қатор** таснифи болага тегишли орал антибактериал препарат ёки бошқа даво зарурлигини англатади. Ушбу даволаш уй шароитида орал препаратларни қандай бериш ёки маҳаллий инфекцияни қандай даволаш кераклигини онага ўргатишни ўз ичига олади. Сиз онага болани қандай парвариш қилиш ҳақида маслаҳатлар беришингиз ва амбулаторияга яна қачон қайтиб келиш зарурлигини айтишингиз керак бўлади.
- **Яшил қатор** таснифи бола тиббий махсус давога, масалан, антибактериал препаратларга муҳтож эмаслигини кўрсатади. Онани, ёки бошқа шахсни болани уйда парвариш қилишга ўргатинг. Масалан, бемор болани қандай овқатлантиришни ёки диареяда суюқликларни қандай беришни онага ўргатинг. Яна қандай белгилар пайдо бўлганда тиббий муассасага қайтиб келиш зарурлигини онага тушунтиринг.

Баъзи таснифларнинг даволаш устунчасида "**Зудлик билан касалхонага юборинг**" деб ёзилган. Касалхона (ёки стационар) деганда жуда оғир болаларни даволаш учун малакали мутахассислар ва керакли тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланган, ётиб даволаниш учун мўлжалланган тиббий муассаса тушунилади. Агар Сиз касаллар ётиб даволаниши учун ўринлари бор тиббий муассасада ишлайдиган бўлсангиз, касалхонага юбориш, деган гап боланинг Сиз ишлаб турган муассасанинг касалхона бўлимига ётиши деган маънони билдириши мумкин. Агар бола зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож бўлса, уни жўнатишдан олдин қилинадиган давони аниқлаб олишингиз керак. Давонинг баъзи турларини (масалан, кулокни тозалаб, қуришиб олиш) болани касалхонага юборишдан олдин ўтказишга ҳожат бўлмайди. Мазкур бўлим болани касалхонага юборишдан олдин зудлик билан унга қилинадиган давони аниқлаб олиш учун Сизга ёрдам беради.

Сиз яшаб турган жойда касалхона бўлмаса, мазкур бўлимда кўрсатилгандан кўра бошқача қарор қабул қилишингиз мумкин. Касалхонада болага яхши малакали ёрдам кўрсатишларига ишончингиз комил бўлсагина болани касалхонага юборишингиз керак. Баъзи ҳолларда болага ўзингиз кўрсатган сифатли ёрдамнинг уни олисдаги касалхонага жўнатишдан кўра кўпроқ наф беради, чунки ўша касалхонада болага даво қилиш учун зарур асбоб-анжомлар ва малакали ходим бўлмаслиги мумкин.

Агар болани касалхонага юборишнинг иложиси бўлмаса ёки ота-она болани касалхонага олиб боришдан бош тортадиган бўлса, тиббий ходим болани парвариш қилишда оилага ёрдам бериш керак. Болани кунига бир неча марта кўриб туриш имкони бўлиши учун уни тиббий муассасага жуда яқин жойга жойлаштириш мумкин, ёки болага дори воситаларини ўз вақтида бериб туришда, болага еб-ичиришда ёрдам бериш учун тиббий ходим унинг уйига қатнаб кузатиши мумкин. *Болани Даволанг* модулига берилган иловада болани касалхонага юбориш зарур бўлсаю, лекин бунинг иложи бўлмаса, нималар қилиш кераклиги тасвирлаб ўтилади.

1.0. БОЛАНИ ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА ЗАРУРИЯТ БОРМИ, АНИҚЛАНГ

ОҒИР ТАСНИФЛАР БЎЛГАНИДА БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШ

БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ схемасидаги оғир таснифларни кўриб чиқинг. Булар пушти ранг билан ажратилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

ОҒИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОҒИР КАСАЛЛИК
ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ
ОҒИР ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ
ДИЗЕНТЕРИЯ
ЖУДА ОҒИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК
ОҒИР АСОРАТЛИ ҚИЗАМИҚ
ҲАЛҚУМ АБСЦЕССИ
МАСТОИДИТ
ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОҒИР БУЗИЛИШИ ЁКИ ОҒИР КАМҚОНЛИК

Ана шундай таснифлар учун даво турлари рўйхатидаги «**ЗУДЛИК БИЛАН касалхонага юборинг**» деган кўрсатмага эътибор беринг. Бу кўрсатма болани касалхонага юборишдан олдин унга зудлик билан зарур даво қилиш кераклигини, сўнгра эса, дарҳол касалхонага юбориш зарурлигини билдиради. Касалхонага жўнатишни пайсалга солиши мумкин бўлган даво турлари билан овора бўлиб, фурсатни ўтказманг.

Истисно: ОҒИР ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯда – «Касалхонага юборинг» кўрсатмаси. Бу – беморни касалхонага юбориш зарур, лекин унчалик шошилиш эмас, деган маънони билдиради. Демак, мазкур модулнинг 2.0. бўлимида баён этилганидек, давони белгилаб олишга ва беморни касалхонага жўнатишдан аввал барча турдаги давони ўтказишга вақт бор.

Яна битта истисно бўлиши мумкин: ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ деб биттагина тасниф олган болани, агар амбулаториянгиз уни даволаш учун тегишлича таъминланган бўлса, касалхонага юбормай, қолдиришингиз ва даволаб боришингиз мумкин. Бундай болада сувсизланишга доир умумий хавф белгилари бўлиши мумкин. Масалан, у летаргик ҳолатда ётган, хушдан кетган ёки оғир даражада сувсизланиб қолгани учун суюқлик ича олмайдиган бўлиши мумкин.

ДИАРЕЯ БИЛАН КАСАЛЛАНИБ, ОҒИР ДАРАЖАДА СУВСИЗЛАНГАН БОЛА

БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ схемасидаги ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ бўлимини ўқиб чиқинг.

<p>Қуйидаги белгилардан иккитаси бўлса:</p> <ul style="list-style-type: none">▪ Летаргик ҳолатда ёки беҳуш▪ Кўзлари киртайган▪ Суюқлик ича олмайди ёки ёмон ичади▪ Тери бурмаси жуда секин текисланади	ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ	<ul style="list-style-type: none">➤ Агар болада бошқа оғир касаллик бўлмаса: - Оғир сувсизланишдаги суюқликларни беринг (В режа) <p style="text-align: center;">ЁКИ</p> <ul style="list-style-type: none">➤ Агар болада бошқа оғир касаллик бўлса: - ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг, йўлда онаси болага тез-тез ОРВ хўплатиб бориши лозим. - Онасига болани эмизиб кетишни маслаҳат беринг.➤ Бола 2 ёш ва ундан катта бўлса, ушбу жойда вабо кузатилса, вабони даволаш учун антибактериал препарат беринг
---	-----------------------------	---

Боладаги бирдан-бир оғир тасниф ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ бўлса, уни касалхонага юбориш керак-керакмаслигини аниқлаш учун В режадан фойдаланинг. В режа *ДАВОЛАНГ* схемасида келтирилган. Бу режа оғир даражада сувсизланиб қолган болага амбулаториянгизда яхши даво қилиш мумкин-мумкинмаслигини аниқлаб олишда Сизга ёрдам беради. В режанинг қабул қилиниши керак бўлган қарорлар кўрсатиб қўйилган чапки қисми кейинги бетда келтирилган. Схеманинг ўнг томони соддалаштирилган. Суюқликлар ёрдамида қилинадиган давони қандай ўтказиш кераклигини *Болани Даволанг* модулида билиб оласиз.


Болада ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ устига бошқа оғир тасниф ҳам бўлса, уни касалхонага юборишингиз керак. Бундай болани даволаш учун махсус кўникмалар бўлиши зарур, чунки жуда қисқа вақт ичида буюриладиган ҳаддан ташқари катта ҳажмдаги суюқлик боланинг ҳаёти учун хавфли бўлиши мумкин.

Қуйида келтирилган схемани ўқитувчингиз Сизга тушунтириб беради.

В РЕЖАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҚАРОРЛАР:

ОҒИР СУВСИЗЛАНИШГА ТЕЗДА ДАВО ҚИЛИНГ

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ



В режани кейинги модулда ўрганиб чиқасиз. В режа суюқликлар ёрдамида даво қилинганидан кейин сувсизланиш даражасига такрор баҳо беришни ўз ичига олади. Регидратация ишини болада яхши ўтказа оладиган бўлсангиз, уни касалхонага юборишнинг зарурати қолмайди.

УМУМИЙ ХАВФ БЕЛГИЛАРИ БОРЛИГИ УЧУН БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШ

Умумий хавф аломати бор болаларнинг кўпчилигида оғир тасниф ҳам бўлади. Ана шундай болалар ушбу оғир таснифга қараб касалхонага юборилади (ёки бу болаларда фақат ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ бўлса, уларни мумкин қадар ўзининг жойида даволанади).

Камдан-кам ҳолларда болаларда оғир тасниф бўлмагани ҳолда умумий хавф белгилари бўлиши мумкин. Бундай болалар зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож бўлади. *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасининг пастки қисмидаги рамка Сизга мана бу гапларни эслатиб туради:

ҲАР ҚАНДАЙ УМУМИЙ ХАВФ БЕЛГИСИ БОР БОЛАНИ унга тўғри келадиган антибактериал препарат ва шошилиш даво учун бошқа дориларнинг биринчи дозаси берилганидан кейин **КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШНИ ТАЪМИНЛАНГ**.

Истисно: В режа бўйича болада регидратация ўтказиш умумий хавф белгиларини бартараф этиши ва шу билан болани касалхонага ётқизишга ҳожат қолдирмаслиги мумкин.

БОШҚА ОҒИР МУАММОЛАР БОРЛИГИ УЧУН БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШ

БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ схемаси болаларда юзага келиб қолиши мумкин бўлган муаммоларнинг ҳаммасини ҳам ўз ичига олмайди. Сиз ўзингизга мана бундай деб савол бериб кўришингиз керак:

Болада ушбу амбулаторияда даво қилиб бўлмайдиган бошқа бирор оғир муаммо борми?

Масалан, болада қаттиқ қорин оғриғи сингари схемага киритилмаган оғир муаммо бўлиши мумкин. Агар Сиз шундай оғир муаммога даво қилолмайдиган бўлсангиз, болани касалхонага юборишингиз керак.

Эсингизда тутинг: Кўпчилик болаларда умумий хавф белгилари, оғир таснифлар ёки бошқа оғир муаммолар бўлмайди. **Болада юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг бирортаси ҳам бўлмаса, бундай бола касалхонага ётқизишга муҳтож эмас.** Сиз ушбу модулнинг 2.0. бўлимида тасвирлагандек даво белгилашингиз керак.

1 МИСОЛ:

2 яшар Гулчатой. Бу қизчада умумий хавф аломатлари йўқ. Танасининг ҳарорати 37,5°C. Гулчатойнинг қулоғи ҳам оғрир эди ва тиббий ходим унинг қулоғидан йирингли суюқлик оқаётганини аниқлади. Онаси бундай суюқлик келаётганини шу кунгача қўрмаганини айтди. Шундай қилиб, Гулчатойнинг касаллигига **ТОМОҚДА МУАММО ЙЎҚ, ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ** деб тасниф берилди. Тиббий ходим боладаги иситмани **БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭЎТИМОЛИ** деб таснифлади.

Гулчатойнинг ҳолати **КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ВА КАМҚОНЛИК ЙЎҚ** деб таснифланди. Унда бошқа таснифлар йўқ. Гулчатой касалхонага юборишга муҳтож эмас, унда умумий хавф белгилари йўқ ва оғир таснифлар йўқ.

2 МИСОЛ

4 ойлик Феруз. Бу бола тиришиб, шайтонлаган, йўталади ва унда кўкрак қафасининг ичга тортилиш ҳодисаси бор. Боланинг касаллигига **ОҒИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОҒИР КАСАЛЛИК** деб тасниф берилди. Унда иситма ҳам бор, бу **ЖУДА ОҒИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК** деб таснифланди. Шубҳасизки, Феруз оғир тасниф бўйича касалхонага юборишга муҳтож.

3 МИСОЛ

7 ойлик Камола. Бу қизчада битта умумий хавф аломати бор: у летаргик ҳолатда ётибди. Камолада **ОҒИР СУВСИЗЛАНИШГА** олиб келган диарея бор, бошқа ҳеч қандай оғир таснифлар йўқ, шунга қўра тиббий ходим В Режани танлади. Тиббий ходим суюқликларни венадан юбора оладиган бўлгани учун, у Камолани венадан юбориладиган суюқликлар ёрдамида ўзининг тиббий муассасасида даволайди. Камолада регидратация ишлари яхши ўтказилса ва қизча летаргик ҳолатдан чиқса, у касалхонага юборишга муҳтож бўлмайди.

4 МИСОЛ

3 ойлик Лола. Бу қизча беҳуш бўлиб ётибди. **БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ** схемасида санаб ўтилган асосий симптомларнинг ҳеч қайсиси бу қизчада йўқ. Лола умумий хавф белгиси борлиги сабабли касалхонага юборишга муҳтож.



МАШҚ А

Ушбу машқда Сиз беморни зудлик билан касалхонага юбориш зарурияти бор-йўқлигини аниқлайсиз. Тўғри жавобни белгилаб чиқинг.

1. 11 ойлик Сайёра. Бу қизчада умумий хавф белгилари йўқ. Унда:

ПНЕВМОНИЯ,
ҚУЛОҚНИНГ ЎТҚИР ИНФЕКЦИЯСИ бор,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.
Бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Сайёра зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ____ ЙЎҚ ____

2. 6 ойлик Камола. Бу қизчада умумий хавф белгилари йўқ. Унда:

ПНЕВМОНИЯ ЙЎҚ, ЙЎТАЛ ЁКИ ШАМОЛЛАШ,
СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ,
ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ бор,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.
Бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Камола зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ____ ЙЎҚ ____

3. 7 ойлик Акбар. Бу болада умумий хавф белгилари йўқ. Унда:

ПНЕВМОНИЯ,
БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ,
МАСТОИДИТ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.
Бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Акбар зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ____ ЙЎҚ ____

4. 2 яшар Эркин. Бу бола эрталаб тиришиб, шайтонлаган, иштаҳаси ёмон. Унда:

ТОМОҚДА МУАММО ЙЎҚ, КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.
Бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Эркин зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ____ ЙЎҚ ____

5. 9 ойлик Ҳамза. Бу бола летаргик ҳолатда ётибди. Унда:

ДИАРЕЯ, ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.

Бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Мазкур тиббий муассаса венадан суюқликлар юбориб, даво қилишни таъминлай олади. Ҳамза зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ___ ЙЎҚ___

6. 19 ойлик Сирожиддин. Бу бола суюқлик ича олмайди. Унда:

ҲАЛҚУМ АБСЦЕССИ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.
Бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Сирожиддин зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ___ ЙЎҚ ___


7. 2 яшар Зулфия. Бу қизчада умумий хавф белгилари йўқ. Унда:

ДИАРЕЯ, ОҒИР СУВСИЗЛАНИШ,
ТОМОҚДА МУАММО ЙУҚ,
ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОҒИР БУЗИЛИШИ ЁКИ ОҒИР КАМҚОНЛИК.
Бошқа ҳеч қандай таснифлар йўқ.

Зулфия зудлик билан касалхонага юборишга муҳтожми? ҲА ___ ЙЎҚ ___

Бу машқни тугатганингиздан кейин жавобларингизни ўқитувчи билан муҳокама қилинг.

2.0. ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА МУҲТОЖ БЎЛМАГАН БЕМОРЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН ДАВОНИ АНИҚЛАНГ



Боланинг ҳолатини баҳолаб бўлгандан сўнг, унинг тасниф(лар)и ва зарур даволаш режаси тўғрисидаги маълумотларни Ёзув шаклига ёзинг. Бу Ёзув шакли боланинг ҳар бир муурожаатида ҳар сафар янгидан тўлдирилиб, юқорисига бола муурожаат қилган сана ёзилади. Тўлдирилган бу Ёзув шакли боланинг ривожланиш картасига (ф.112/у) ёпиштириб қўйилади.

Ёзув шаклининг олд қисмига ёзилган ҳар бир тасниф учун, ушбу Ёзув шаклининг орқа томонига тегишли даволаш режасини ёзишингиз керак. *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасининг "Давони белгиланг" устунчасида ҳар бир тасниф учун зарур бўлган даволаш режалари келтирилган. Бу устунчадан Сиз аниқ бир бемор болага тегишли даволаш тавсияларини ёзиб олишингиз зарур.

Ёзув шаклини тўлдиришда қуйидаги **оддий қоидаларни** эслаб қолинг:

- Даволаш режасини Ёзув шаклининг орқа томонига, таснифнинг рўпарасига ёзинг.
- Фақат тегишли таснифга тўғри келадиган даволаш режасини ёзиб олинг.
- Зарур бўлса, дори воситалари номларини қисқартиринг.
- Агар бир неча тасниф учун бир хил даволаш режаси талаб қилинса, бу даволашни бир марта ёзинг. Бироқ, турли муаммоларни даволаш учун ҳар хил антибактериал дори воситалари зарур бўлиши мумкин, бундай ҳолларда ҳар бир муаммонинг давоси учун алоҳида антибактериал даво ёзинг.

«Кейинги кўрик» сўзларидан бошланадиган йўл-йўриқларни кўшиб қўйишни унутманг. Бу – она маълум муддатдан кейин боласини тиббий муассасага яна олиб келиши керак, деган маънони билдиради. Буюрилган давонинг нечоғлик наф берганини аниқлаш ва, агар зарур бўлса, бошқача даво буюриш учун кейинги кўрик жуда муҳим. Кейинги кўрик атамасини белгилаш учун Сиз «К/к» қисқартмасидан фойдаланишингиз мумкин.

Кейинги кўрик учун бир нечта муддатлар кўрсатиб қўйилган бўлса, энг эрта муддатдаги мажбурий кўрикни танланг («Агар» деган сўз билан бошланмайдиган кўрик мажбурий кўрик деб ҳисобланади). Масалан:

«Кейинги кўрик 2 кундан кейин» деган ибора кейинги мажбурий кўрик учун мўлжалланган аниқ муддатни билдиради.

«Агар иситма давом этадиган бўлса, кейинги кўрик 2 кундан кейин» дейилгани мажбурий кўрик эмас. Демак, иситма давом этадиган бўлса, ана шундагина болани тиббий муассасага олиб келиш керак.

Энг эрта муддатдаги мажбурий кейинги кўрик вақтини касал бола Ёзув шаклининг орқа томонида ажратилган жойга ёзиб қўйинг. Мана шу кейинги кўрикнинг зарурлигини онага тайинланг. (Иситма сингари симптомлар давом этаверадиган бўлса, кейинги кўрикнинг зарурлигини ҳам унга айтиб қўйинг). Кейинчалик, яъни она кейинги кўрик учун тиббий муассасага келганида Сиз унга яна келиб кўриниш зарурлигини айтишингиз мумкин.

Болани касалхонада текшириб кўриш учун бериладиган муддатсиз (шошиличч эмас) йўлланмалар хусусидаги йўл-йўриқларни кўрсатиб ўтишни ҳам унутманг. Масалан, йўтал 21 кундан ортиқ ёки иситма 7 кундан ортиқ давом этиб келаётган бўлса, Сиз «Текшириш учун поликлиникага юборилсин» деб ёзиб қўйишингиз керак. Она боласини пайсалга солмай поликлиникага олиб бориши кераклигига қарамай, бундай йўлланмалар шошиличч бўлиб ҳисобланмайди. Бошқа ҳар қандай даво болани касалхонага юбориш олдидан ўтказилиши мумкин.

Касал бола Ёзув шаклида «Қачон дарҳол яна келиш кераклигини онага тушунтириб қўйинг» деган сатр борлигига аҳамият беринг. Бу кўрсатмани яна санаб ўтиш керакмас. Қандай белгилар пайдо бўлганида боласини даволатиш учун она яна дарҳол тиббий муассасага келиши кераклигини унга тушутириб қўйишингиз лозим. Мана шундай белгилар нималардан иборатлигини Сиз мазкур модулда кейинроқ билиб оласиз.

Эслатма: Касал бола Ёзув шаклининг бола овқатига доир бўлимларини тўлдиришни Сиз *ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* модулида билиб оласиз. Боланинг овқатланишига баҳо бериш зарур бўлса, бу ишни болани кўздан кечириш жараёнида унинг шошиличч эҳтиёжларини эътиборга олиб бўлганингиздан кейин исталган қулай пайтда бажаришингиз мумкин.

Бирок, антибиотик бир нечта муаммоларнинг давоси учун талаб этиладиган бўлса, Сиз бу муаммоларнинг ҳаммасини бирма-бир кўрсатиб ўтишингиз керак, масалан:

Пневмонияга даво қилиш учун антибактериал препарат,
Shigella-га даво қилиш учун антибактериал препарат.

Иккита ҳар хил муаммога даво қилиш учун битта антибактериал препаратнинг ўзидан фойдаланиш мумкин бўлган пайтда Сиз биргина ўша антибактериал препаратни беришингиз мумкин, лекин иккита ҳар хил муаммо иккита ҳар хил антибактериал препарат ишлатишни талаб қилиши мумкин. Антибактериал воситаларни танлаш хусусида Сиз *Болани Даволанг* модулидан анча батафсил билиб оласиз.

БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ схемасининг «Давони белгиланг» устунчасидаги йўл-йўриқларнинг кўпчилиги осон ва тушунарли.

МИСОЛ

Кейинги бетда келтирилган касал бола Ферузанинг Ёзув шаклини ўрганиб чиқинг. Тиббий ходим *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасининг «Давони Белгиланг» устунчасидан фойдаланган ва зарур давонинг ҳаммасини шаклнинг орқа томонида санаб ўтган.

Феруза касалхонага юборишга муҳтож эмас, чунки унда умумий хавф белгилари йўқ ва оғир таснифлар ҳам йўқ. Бу қизчага мазкур тиббий муассасанинг ўзида даво қилинади.

Пневмония ва қулоқнинг ўткир инфекциясига даво қилиш учун тиббий ходимнинг амоксициллин антибактериал препаратни танлаганига эътибор беринг. Яна шунга назар солинганки, энг эрта муддатда мажбурий кейинги кўрикни ўтказиш куни шаклнинг алоҳида ажратиб қўйилган жойига ёзилган.

2 ОЙЛИКДАН 5 ЁШГАЧА БЎЛГАН КАСАЛ БОЛАНИ ОЛИБ БОРИШ

Исми Феруза Ёши 17 ойлик Оғирлиги 11 кг Танасининг ҳарорати 38,5°C
 СЎРАБ КЎРИНГ: Болада қандай муаммолар бор йўтал, иситма Биринчи ташриф V Такрорий ташриф
БАҲОЛАНГ (бор симптомларни айланага олинг) **ТАСНИФЛАНГ**

ТЕКШИРИБ КЎРИНГ, УМУМИЙ ХАВФ БЕЛГИЛАРИ БОРМИ? <ul style="list-style-type: none"> • ИЧА ОЛМАЙДИ ЁКИ ЭМА ОЛМАЙДИ • ҲАР ҚАНДАЙ ОВҚАТ ЁКИ СУЮКЛИКДАН СЎНГ ҚАЙТ ҚИЛАДИ • ШАЙТОНЛАШ • ЛЕТАРГИК ҲОЛАТДА ЁКИ ХУШСИЗ 	Умумий хавф белгилари борми? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> V </u> Касалликни таснифлашда умумий хавф белгилари бор ёки йўқлигини эътиборга олишни унутманг																					
ЙЎТАЛ ЁКИ НАФАС ҚИЙИНЛИГИ БОРМИ? <ul style="list-style-type: none"> • Қачондан буён <u> 6 </u> кун 	Ҳа <u> V </u> Йўқ <u> </u> • Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига <u> 46 </u> та. • <u>Нафас тезлашганми?</u> • Кўкрак қафасининг тортилиши борми? • Кўринг ва эшитинг, стридор борми? • Кўринг ва эшитинг, астмоид нафас борми? • Агар астмоид нафас бўлса, бу қайта эпизодми?																					
БОЛАДА ДИАРЕЯ БОРМИ? <ul style="list-style-type: none"> • Қачондан буён? <u> </u> кун • Ахлатида қон борми? 	Ҳа <u> </u> Йўқ <u> V </u> • Умумий аҳволига қаранг. Бола: -Летаргик ҳолатда ёки хушсизми? -Безовта ёки бетокатми? • Изланг, кўзлари киртайганми? • Болага суюқлик таклиф этинг: -Ича олмайди ёки ёмон ичадими? -Ютокиб ичадими, чанқокми? • Қорнида тери бурмалари реакциясини текшириб кўринг. Тери бурмалари: -Жуда секин (2 секунддан ортик) текисланади -Секин (2 секундгача) текисланади																					
БОЛАДА ИСИТМА БОРМИ? (наамнезда иссиғи бор ёки ҳарорати <u>37,5°C</u> ва юқори ёки бадани иссиқ) <ul style="list-style-type: none"> • Қачондан буён? <u> 2 </u> кун • 7 кун ва ундан кўп бўлса, иситма ҳар куни кузатиладими? • Охириги 3 ой давомида бола қизамиқ билан касалланганми? 	Ҳа <u> V </u> Йўқ <u> </u> • Энса мускулларини кўздан кечиринг ва ригидлигини аниқланг. • Иситманинг бошқа мумкин бўлган сабабларини изланг ҚИЗАМИҚ белгиларини изланг: • Ялли тошма ва • Мана бу белгиларнинг бири: йўтал, томоқ ёки кўзларнинг қизаргани бор-йўқлигини излаб кўринг. • Қараб кўринг, оғзида яралар борми? Улар чуқур ва каттами? • Қараб кўринг, кўзлар йиринглашганми? • Қараб кўринг, кўз шох пардаси хиралашганми?																					
Агар болада қизамиқ бор ёки у охириги 3 ой давомида қизамиқ билан касалланган бўлса: • Қараб кўринг, оғзида яралар борми? Улар чуқур ва каттами? • Қараб кўринг, кўзлар йиринглашганми? • Қараб кўринг, кўз шох пардаси хиралашганми?	Бактериал инфекция эҳтимоли																					
БОЛАНИНГ ЁШИ 18 ОЙЛИКДАН КАТТА БЎЛСА ТОМОҒИДА МУАММОЛАР ИЗЛАНГ <ul style="list-style-type: none"> • Бола томоғи оғриб, ича олмайдими? • Томоғи қизарганми? • Томоғида йиринг борми? • Бўйин лимфа тугунлари катталашганми? 																						
БОЛАДА ҚУЛОҚЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР БОРМИ? Ҳа <u> V </u> Йўқ <u> </u> <ul style="list-style-type: none"> • <u>Қулоқда оғрик борми?</u> • Қулоқдан йиринг оқадими? • Агар окса, қачондан буён? <u> </u> кун • Қараб кўринг, қулоқдан оқаётган йиринг борми? • Пайпаслаб кўринг, қулоқ орқасида оғриклик шиш борми? 	Қулоқнинг ўткир инфекцияси																					
СЎНГРА ОЗИҚЛАНИШНИНГ БУЗИЛИШИ ВА КАМҚОНЛИК БОРМИ, ТЕКШИРИНГ <ul style="list-style-type: none"> • Кўринг, кўзга ташланадиган оғир озғинлик белгилари борми? • Кўринг, кўл қафтлари оқлиги борми? Унинг даражаси: Яққолми? Ўртачами? • Қараб кўринг, иккала оёқ панжасида шиш борми? • Вазнининг ёшга мослигини аниқланг Кам <u> </u> Кам эмас <u> V </u> 	Камвазглик йўқ ёки Камқонлик йўқ																					
БОЛАНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ Бугун эмлаши керак вакциналар тагини чизиб қўйинг <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse; text-align: center;"> <tr> <td>БЦЖ <u> V </u></td> <td>АҚДС+НІВ-1 <u> V </u></td> <td>АҚДС+НІВ-2 <u> V </u></td> <td>АҚДС+НІВ-3 <u> V </u></td> <td>КПК-1 <u> V </u></td> <td>АҚДС-4 <u> V </u></td> <td>Витамин А <u> V </u></td> </tr> <tr> <td>ОПВ-0 <u> V </u></td> <td>ОПВ-1 <u> V </u></td> <td>ОПВ-2 <u> V </u></td> <td>ОПВ-3 <u> V </u></td> <td>КПК-2 <u> </u></td> <td>ОПВ-4 <u> V </u></td> <td>Мебендазол <u> V </u></td> </tr> <tr> <td>ВГВ-1 <u> V </u></td> <td>ВГВ-2 <u> V </u></td> <td>ВГВ-3 <u> V </u></td> <td>ВГВ-4 <u> V </u></td> <td>Рота-1 <u> V </u></td> <td>Рота-2 <u> V </u></td> <td></td> </tr> </table>	БЦЖ <u> V </u>	АҚДС+НІВ-1 <u> V </u>	АҚДС+НІВ-2 <u> V </u>	АҚДС+НІВ-3 <u> V </u>	КПК-1 <u> V </u>	АҚДС-4 <u> V </u>	Витамин А <u> V </u>	ОПВ-0 <u> V </u>	ОПВ-1 <u> V </u>	ОПВ-2 <u> V </u>	ОПВ-3 <u> V </u>	КПК-2 <u> </u>	ОПВ-4 <u> V </u>	Мебендазол <u> V </u>	ВГВ-1 <u> V </u>	ВГВ-2 <u> V </u>	ВГВ-3 <u> V </u>	ВГВ-4 <u> V </u>	Рота-1 <u> V </u>	Рота-2 <u> V </u>		Эмлаш учун яна келиш керак: 6 ёшида (қуни, ойи)
БЦЖ <u> V </u>	АҚДС+НІВ-1 <u> V </u>	АҚДС+НІВ-2 <u> V </u>	АҚДС+НІВ-3 <u> V </u>	КПК-1 <u> V </u>	АҚДС-4 <u> V </u>	Витамин А <u> V </u>																
ОПВ-0 <u> V </u>	ОПВ-1 <u> V </u>	ОПВ-2 <u> V </u>	ОПВ-3 <u> V </u>	КПК-2 <u> </u>	ОПВ-4 <u> V </u>	Мебендазол <u> V </u>																
ВГВ-1 <u> V </u>	ВГВ-2 <u> V </u>	ВГВ-3 <u> V </u>	ВГВ-4 <u> V </u>	Рота-1 <u> V </u>	Рота-2 <u> V </u>																	
<ul style="list-style-type: none"> • Болани эмизиб боқасизми? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> Агар эмизиб боқсангиз, қунига неча марта <u> </u> • Болани кечаси эмизасизми? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> • Бола бошқа овқат ёки суюқлик оладими? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> • Агар олса, нималарни олади? 																						
Қунига неча марта? <u> </u> марта. Болани овқатлантириш учун нимадан фойдаланасиз? <u> </u> Ҳар сафар қанча овқат берасиз? <u> </u> Болани ким ва қандай қилиб овқатлантиради? <u> </u> Касаллик вақтида болани овқатлантириш усули ўзгардими? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> Агар ўзгарган бўлса, қандай ўзгарди? <u> </u>																						

БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАНГ ОНАДАН УНИНГ СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА СЎРАНГ

Ҳар қандай умумий хавф аломати бор болани касалхонага юбориш зарурлигини эсингизда тутинг

ДАВОЛАНГ

- *Пневмония ва қулоқнинг ўткир инфекцияси учун антибактериал препарат беринг*
- *Томоқни юмшатиш. Хавфсиз воситалар билан йўтални енгиллаштириш керак.*
- *Онасига қачон дарҳол келишни тушунтиринг.*
- *Кейинги ташириф 2 кундан сўнг*

*Амбулаторияда 1 доза парацетамол беринг
БКИУОБ қўлланмаси бўйича даволанг*

Боланинг овқатланишига баҳо беринг. Овқатланишда муаммолар бўлса, онасига уни овқатлантириш хусусида маслаҳатлар беринг.

- *Агар овқатланишда муаммо бўлса, кейинги ташириф 5 кундан сўнг*
- *Онасига қачон дарҳол келишни тушунтиринг*

Кейинги ташириф 2 кундан кейин

Қандай пайтда дарҳол яна келиш кералигини онага тушунтириб беринг.

Бугунги зарур эмлаш ишларини бажаринг _____

Болани овқатлантиришга доир маслаҳатлар _____



МАШҚ Б

Ушбу машқда Сиз зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож бўлмаган болалар учун керакли давони белгилаб, аниқлаб оласиз. Дастлабки 2 ҳолда шу ҳоллар тасвирини ўрганиб чиқасиз ва зарур давони унинг учун ажратиб қўйилган жойда қисқача қилиб бирма-бир кўрсатиб қўясиз. Кейинги 2 ҳол учун Сиз касал бола Ёзув шаклни тўлдиришингиз керак бўлади. Зарур давони белгилаб, аниқлаб олиш учун *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасидаги «Давони Белгиланг» устунчасидан фойдаланинг.

1. 15 ойлик Саодат. Бу қизчада умумий хавф белгилари йўқ. Унда:

ПНЕВМОНИЯ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
Бошқа таснифлар ҳам йўқ.

Саодат БЦЖ вакцинасини олган, АКДС ва ХИБ га қарши 3 марта эмланган, Ротавирусга қарши 2 марта эмланган,. ВГВ - 1, 2, 3, 4 ни ва ОПВ - 0, 1, 2, 3 ни ҳам олган.

- а. ПНЕВМОНИЯ га даво қилиш учун қандай йўл-йўриқлар бор?

б. КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деган қатордаги «Давони Белгиланг» устунчасига қаранг. Саодатнинг овқатланишини баҳолашга ҳожат борми?

- в. Саодатга бугун қандай вакциналарни эмлаш керак?

г. Энг эрта муддатдаги мажбурий кўрик учун Саодат амбулаторияга яна қачон келиши керак?

2. 2 яшар Иброҳим. Бу болада умумий хавф белгилари йўқ. Унда:

ДИАРЕЯ, ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ,
СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
Бошқа таснифлар ҳам йўқ.

Тавсия этиладиган вакциналарнинг ҳаммасини Иброҳим олган.

а. ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШга даво қилиш учун қандай йўл-йўриқлар бор?

б. СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТга даво қилиш учун қандай йўл-йўриқлар бор?

в. КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деган қатордаги «Давони Белгиланг» устунчасига қаранг. Иброҳимнинг овқатланишини баҳолашга хожат борми?

г. Энг эрта муддатдаги мажбурий кўрик учун Иброҳим амбулаторияга яна қачон келиши керак?

3 – 4. Қуйида касал болалар - Анвар билан Саида учун Ёзув шакллари келтирилган. Ҳар қайси Ёзув шаклининг чап томонини ўрганиб чиқинг, сўнгра шаклни буклаб олинг, давога доир зарур йўл-йўриқларни унинг орқа томонида бирма-бир кўрсатиб ўтинг.

2 ОЙЛИКДАН 5 ЁШГАЧА БЎЛГАН КАСАЛ БОЛАНИ ОЛИБ БОРИШ

Исми Анвар Ёши 36 ой Оғирлиги 15 кг Танасининг ҳарорати 38,5°С
 СЎРАНГ: Боланинг қандай муаммолари бор? йўтал, қулоқда оғриқ Биринчи таширф V Иккинчи таширф
БАҲОЛАНГ (бор симптомларни айланага олинг) **ТАСНИФЛАНГ**

ТЕКШИРИБ КЎРИНГ, УМУМИЙ ХАВФ БЕЛГИЛАРИ БОРМИ? <ul style="list-style-type: none"> • ИЧА ОЛМАЙДИ ЁКИ ЭМА ОЛМАЙДИ • ҲАР ҚАНДАЙ ОВҚАТ ЁКИ СУЮҚЛИКДАН СЎНГ ҚАЙТ ҚИЛАДИ • ШАЙТОНЛАШ • ЛЕТАРГИК ҲОЛАТДА ЁКИ ХУШСИЗ 	Умумий хавф белгилари борми? Ҳа <u> </u> Йўқ <u>V</u> Касалликни таснифлашда умумий хавф белгилари бор ёки йўқлигини эътиборга олишни унутманг	
ЙЎТАЛ ЁКИ НАФАС ҚИЙИНЛИГИ БОРМИ? Қачондан буён <u>4</u> кун	Ҳа <u>V</u> Йўқ <u> </u> • Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига <u>44</u> та. • <u>Нафас тезлашганми?</u> • Кўкрак қафасининг тортилиши борми? • Кўринг ва эшитинг, стридор борми? • Кўринг ва эшитинг, астмоид нафас борми? Агар астмоид нафас бўлса, бу қайта эпизодми? • Умумий аҳволига қаранг. Бола: -Летаргик ҳолатда ёки хушсизми? -Безовта ёки бетоқатми? • Изланг, кўзлари киртайганми? • Болага суюқлик таклиф этинг: -Ича олмайди ёки ёмон ичадими? -Ютоқиб ичадими, чанқоқми? • Корнида тери бурмалари реакциясини текшириб кўринг. Тери бурмалари: -Жуда секин (2 секунддан ортик) текисланади -Секин (2 секундгача) текисланади	Пневмония
БОЛАДА ДИАРЕЯ БОРМИ? Қачондан буён? <u> </u> кун Ахлатида қон борми?	Ҳа <u> </u> Йўқ <u>V</u> • Умумий аҳволига қаранг. Бола: -Летаргик ҳолатда ёки хушсизми? -Безовта ёки бетоқатми? • Изланг, кўзлари киртайганми? • Болага суюқлик таклиф этинг: -Ича олмайди ёки ёмон ичадими? -Ютоқиб ичадими, чанқоқми? • Корнида тери бурмалари реакциясини текшириб кўринг. Тери бурмалари: -Жуда секин (2 секунддан ортик) текисланади -Секин (2 секундгача) текисланади	
БОЛАДА ИСИТМА БОРМИ? (анамнезла иссиғи бор ёки ҳарорати 37,5°С ва юқори ёки бадани иссиқ) Қачондан буён? <u>2</u> кун 7 кун ва ундан кўп бўлса, иситма ҳар куни кузатиладими? Охириги 3 ой давомида бола қизамиқ билан касалланганми?	Ҳа <u>V</u> Йўқ <u> </u> • Энса мускулларини кўздан кечиринг ва ригидлигини аниқланг. • Иситманинг бошқа мумкин бўлган сабабларини изланг ҚИЗАМИҚ белгиларини изланг: • Ялли тошма ва • Мана бу белгиларнинг бири: йўтал, томоқ ёки кўзларнинг қизаргани бор-йўқлигини излаб кўринг. Агар болада қизамиқ бор ёки у охириги 3 ой давомида қизамиқ билан касалланган бўлса: • Қараб кўринг, оғзида яралар борми? Улар чуқур ва каттами? • Қараб кўринг, кўзлар йиринглашганми? • Қараб кўринг, кўз шох пардаси хиралашганми?	Бактериал инфекция эҳтимоли
БОЛАНИНГ ЁШИ 18 ОЙЛИКДАН КАТТА БЎЛСА ТОМОҒИДА МУАММОЛАР ИЗЛАНГ Бола томоғи оғриб, ича олмайди?	• Томоғи қизарганми? • Томоғида йиринг борми? • Бўйин лимфа тугунлари катталашганми?	Томоқда муаммо йўқ
БОЛАДА ҚУЛОҚЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР БОРМИ? Ҳа <u>V</u> Йўқ <u> </u> • <u>Қулоқда оғриқ борми?</u> • <u>Қулоқдан йиринг оқадими?</u> Агар окса, қачондан буён? <u> </u> кун	• Қараб кўринг, қулоқдан оқётган йиринг борми? • Пайпаслаб кўринг, қулоқ орқасида оғриқли шиш борми?	Қулоқнинг ўткир инфекцияси
СЎНГРА ОЗИҚЛАНИШНИНГ БУЗИЛИШИ ВА КАМҚОНЛИК БОРМИ, ТЕКШИРИНГ	• Кўринг, кўзга ташланадиган оғир озгинлик белгилари борми? • Кўринг, қўл қафтлари оқлиги борми? Унинг даражаси: Яққолми? Ўртачами? • Қараб кўринг, иккала оёқ панжасида шиш борми? • Вазнининг ёшга мослигини аниқланг Кам <u> </u> Кам эмас <u>V</u>	Камвазлик йўқ ёки Камқонлик йўқ
БОЛАНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ Бугун эмланиши керак вакциналар тагини чизиб кўйинг	Эмлаш учун яна келиш керак: <div style="border: 1px solid black; width: 100%; text-align: center; padding: 5px;"> 6 ёшида (қуни, ойи) </div>	
• Болани эмизиб боқасизми? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> Агар эмизиб боқсангиз, қунига неча марта <u> </u> Болани кечаси эмизасизми? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> • Бола бошқа овқат ёки суюқлик оладими? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> Агар олса, нималарни олади?		
Қунига неча марта? <u> </u> марта. Болани овқатлантириш учун нимадан фойдаланасиз? <u> </u> Ҳар сафар қанча овқат берасиз? <u> </u> Болани ким ва қандай қилиб овқатлантиради? <u> </u> Касаллик вақтида болани овқатлантириш усули ўзгарди? Ҳа <u> </u> Йўқ <u> </u> Агар ўзгарган бўлса, қандай ўзгарди?		

БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАНГ ОНАДАН УНИНГ СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА СЎРАНГ

5. 16 ойлик Муяссар. Бу қизчада умуй хавф белгилари йўқ. Унда:

ОҒИЗ ВА КЎЗЛАРГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИҚ (кўзларидан йирингли суюқлик чиқиб турибди, оғзида яралари йўқ),
ЧЎЗИЛУВЧАН ИСИТМА (иситмаси 38,5°С, 7 кундан бери давом этади),
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ.
Бошқа таснифлар ҳам йўқ.

Муяссар гепатит В га қарши 4 марта эмланган, БЦЖ олган, 3 марта АКДС ва ХИБ га қарши, ОПВ билан эмланган. Яна у Ротавирусга қарши 2 марта эмланган.

- а. КЎЗГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИҚҚА даво қилиш учун қандай йўл-йўриқлар бор?
- б. ЧЎЗИЛУВЧАН ИСИТМАГА даво қилиш учун қандай йўл-йўриқлар бор?
- в. Муяссарнинг овқатланишини баҳолашга ҳожат борми?
- г. Муяссар вакциналар билан эмлашга муҳтожми? Агар муҳтож бўлса, қайсиларига?
- д. Энг эрта муддатдаги мажбурий кўрик учун Муяссар амбулаторияга яна қачон келиши керак?

Ушбу машқни тугатганингиздан кейин жавобларингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.

ЯНА ҚАЧОН ДАРҲОЛ КЕЛИШ КЕРАК

Уйига қайтиб кетаётган ҳамма болаларнинг оналарига тиббий муассасага яна қачон дарҳол келиш кераклигини тушунтириб қўйишингиз лозим. Бу деган гап қандай аломатлар пайдо бўлганида даवони давом эттириш учун болани дарҳол яна олиб келиш зарурлигини онага тушунтириш. Мана шундай белгилар *ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасининг ЯНА ҚАЧОН КЕЛИШ КЕРАК, деган бўлимида бирма-бир кўрсатиб ўтилган.

ҚАЧОН ДАРҲОЛ КЕЛИШ КЕРАК

Болада қуйидаги белгилардан бирортаси бўлса, дарҳол яна келишни онага маслаҳат беринг:	
Ҳар қандай бола	<ul style="list-style-type: none">• Суюқлик ича олмаса ёки эма олмаса• Аҳволи ёмонлашиб қолса• Иситмаси чиқадиган бўлса
Болада ПНЕВМОНИЯ ЙЎҚ, лекин ЙЎТАЛ ЁКИ ШАМОЛЛАШ бўлганда яна келиш керак, агар:	<ul style="list-style-type: none">• Нафаси тезлашса• Нафаси қийинлашса
Болада диарея бўлганда яна келиш керак, агар:	<ul style="list-style-type: none">• Ахлатида қон бўлса• Суюқликни ёмон ичса

Бу ҚАЧОН КЕЛИШ КЕРАК бўлимининг энг муҳим қисми. Агар:

- **бола суюқлик ича олмаса ёки эма олмаса,**
- **боланинг аҳволи ёмонлашса, ёки**
- **боланинг иситмаси чиқса,**

дарҳол тиббий муассасага яна келиш зарурлигини ҳар бир онага тушунтириб қўйиш керак.

Истисно: Болада иситма бўлса, боланинг иситмаси чиққанида тиббий муассасага дарҳол келиш керак, деган гапни онасига айтмаслигингиз лозим.

Шунчаки **йўталиб юрган ёки шамоллаб қолган** болаларнинг оналарига болаларида пневмония бошланганини кўрсатадиган қуйидаги белгилар пайдо бўлиш-бўлмаслигини кузатиб боришлари зарурлигини тушунтириб қўйинг:

- **нафас тезлашуви,**
- **нафас қийинлашуви.**

Пневмония бўлиши мумкинлигини кўрсатадиган мана шу белгиларни батафсил тушунтириб беринг. Оналар мазкур белгиларнинг муҳимлигини билиб, тушуниб олмасалар, пневмония бошланиб келаётган болани олиб келмасликлари мумкин, бунинг натижасида бола нобуд бўлиши мумкин.

Диарея билан оғриган болаларнинг оналарига қуйидаги белгиларнинг пайдо бўлиш-бўлмаслигини кузатиб бориш зарурлигини тушунтиринг:

- **ахлатда қон борлиги,**
- **боланинг суюқликни яхши ича олмаслиги.**



МАШҚ В

Мазкур машқда Сиз бир нечта ҳоллар мисолида қайси пайтларда болаларнинг дарҳол тиббий муассасага келишлари зарурлигини аниқлаб оласиз. Оналар қайси белгиларни кузатиб боришни ўрганиб олишлари зарур бўлса, ўша белгиларни бирма-бир кўрсатиб ўтишингиз керак бўлади.

1. Болада:

умумий хавф белгилари йўқ,
ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ бор,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Қандай белгилар пайдо бўлганида яна дарҳол тиббий муассасага келиш керак?

2. Болада:

умумий хавф белгилари йўқ,
СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ,
ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ бор,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Қандай белгилар пайдо бўлганида яна дарҳол тиббий муассасага келиш керак?

3. Болада:

умумий хавф белгилари йўқ,
ПНЕВМОНИЯ ЙЎҚ, ЙЎТАЛ ЁКИ ШАМОЛЛАШ бор,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
бошқа ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Қандай белгилар пайдо бўлганида яна дарҳол тиббий муассасага келиш керак?

4. Болада:

умумий хавф белгилари йўқ,
Диарея бору, СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
бошка ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Қандай белгилар пайдо бўлганида яна дарҳол тиббий муассасага келиш керак?

5. Болада:

умумий хавф белгилари йўқ,
ПНЕВМОНИЯ бор,
БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ,
КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ,
бошка ҳеч қандай таснифлар ҳам йўқ.

Қандай белгилар пайдо бўлганида яна дарҳол тиббий муассасага келиш керак?

Ушбу машқни тугатганингиздан кейин жавобларингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.

Ўқитувчингиз “Яна қачон дарҳол келиш керак” мавзусини такрорлаш юзасидан машқ ўтказади.

3.0. КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН ОЛДИН ЗУДЛИК БИЛАН ҚИЛИНАДИГАН ЗАРУР ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ

Бола зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож бўлса, ушбу болага зудлик билан қилинадиган даво тез танлаб олишингиз ва бошлашингиз керак. Қуйида зудлик билан қилинадиган даво турларининг рўйхати келтирилган. Булар *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида қора ҳарфлар билан ажратилган. Болани касалхонага юборишдан аввал Сиз препаратларнинг фақат биринчи дозасини беришингиз керак.

- Тўғри келадиган антибактериал препаратни беринг.
- Антибактериал воситани бола ича олмайдиган бўлса, уни мушак ичига юборинг.
- Ҳалқум абсцессидида мушак орасига антибактериал препаратни юборинг.
- Иситма баланд ($38,5^{\circ}\text{C}$ ва бундан юқори) бўлганида ёки мастоидит вақтида оғрик бошланганида парацетамол беринг.
- Витамин А беринг.
- Тетрациклиннинг суртма дорисидан фойдаланинг (кўз шох пардаси хиралашган ёки кўздан йирингли суюқлик келаётган бўлса).
- Онага ОРВ эритмасини беринг ва касалхонага борилаётган йўлда уни болага қай тариқа тез-тез қултумлаб ичириб бориш кераклигини онага кўрсатинг.

Даволаш хусусидаги дастлабки тўртта йўл-йўриқ зудлик билан амал қилиниши керак бўлган кўрсатмалардир, чунки улар бактериал менингит сингари хавфли асоратлар пайдо бўлишига йўл қўймаслиги мумкин. Даволаш хусусида кўрсатилган йўл-йўриқларнинг қолганлари ҳам касалликларнинг янада авж олиб кетишига йўл қўймаслик учун муҳим бўлиб ҳисобланади.

Шошилинич бўлмаган даво турларини ўтказишга, масалан, қулоқни тозалаш, қуришти олиш, қулоққа антибактериал томчини томизиш ёки ичириладиган темир препаратларини буюриш сингари ишлар билан овора бўлиб, болани касалхонага юборишни пайсалга солманг. Болани режа бўйича эмлаш зарур бўлса, бу ишларни уни касалхонага юбориш олдида қилманг. Эмлаш ишларини ўтказиш муддатларини аниқлашни касалхона ходимларига қўйиб беринг. Бу – болани касалхонага юборишни кечиктирмасликка имкон беради.

МИСОЛ

